

## Академик катта театрга ташриф

"Гидромелиорация" факультети СХМ-302 - гуруҳ талабалари ва гуруҳ мураббийи Ш.Мардиевлар Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрига ташриф буюришди. Театрда маънавий ҳордиқ чиқаздиш учун ҳамда театрдан ибрат олиш учун ҳам жуда керакли масканлардан бири. Ушбу ташриф муҳим аҳамиятга молик бўлди.



«Майсаранинг иши» ҳажвий комедия жанрида ташкил этилган. Спектаклда актёрлар жамоаси томонидан маҳорат билан ижро этилди. Спектакл инсонни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайдиган чуқур мазмунга эгалиги билан талаба ёшлар маънавиятига ижобий таъсирини ўтказди десак, адашмаган бўламиз. Томоша жараёнида инсон онгида бир фикр уйғониши табиий. Бу яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир, ёмонликка яхшилик мард кишининг ишидир мазмунидаги халқ нақлидир.



**Ирригация ва мелиорация кафедраси ассистенти Ш.Мардиев ахбороти**

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**